

санкт хол
“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

“СУРХОНДАРЁ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ТЕРМИЗ ШАХАР ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
КОРХОНАСИ



ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА
БҮЛМАГАН ТАДБИРКОР ИСТЕМОЛЧИЛАР
УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
ШАРТНОМАСИ

№ 31 - 0136

*Теркелгүчтөгөн осласын төрөлгөн санкт
настады.*

**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БҮЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕММОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
ШАРТНОМАСИ**

20²² йил “28 01

31-0136-сон

Термиз шахри
(Шартнома тузилган маңзасы)

“Сурхондарё худудий электр тармоқлари корхонаси” Акциядорлик жамияти
Термиз шахар электр таъминоти корхонасида “Бош ишончнома” асосида фаолият
(туман(шахар) электр таъминоти корхонасининг номи)
юритувчи раҳбари Бердимуратов Олтибой Элмурзаевич(кейинги ўринларда “Корхона”
(туман(шахар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)
деб аталади) бир томондан ҳамда Нуғази асосида фаолият юритувчи

Термиз ихтисослаштирилган салом шартоби
(истеъмолчининг номи)
раҳбари б. Ишмуратов (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади),
хисоб рақами –

--	--	--	--	--	--	--

 иккинчи томондан мазкур
шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини

уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 30000, кВт.с. реактив _____ кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 450, сўмни, тариф бўйича 13500 000, ташкил этади.

тариф тuri: табақалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган, (кераклиси ёзилсин)

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган хақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини хисобга олиш асбоболари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишининг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқларикорхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар: ярим тифиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тифиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта

микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг коронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеъмолчиларга кўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақалаштирилган тариф кўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат карори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гурухларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, хар бир тариф гурухига алоҳида ўрнатилган хисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади

Истеъмолчи томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юкори тариф гурухи бўйича хисоб китоб қилинади.

Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.4. Истеъмолчи хисоб-китоб даври тугагандан сўнг XЭТКнинг ваколатли вакили билан биргаликда хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки поча алоқаси орқали хар ойнинг “30” санаасигача худудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича хисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлик хажмидан ташқари тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия хажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин карорни оммавий ахборот воситаларида эълон килади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланганхажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри кўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта хисоблаб чиқилади ва худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади”.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси хисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий микдори киймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдириган истеъмолчилар

хисоб-китоб амалга ошириладиган даври кўрсатиб, хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдириги тартибида Корхонага мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл кўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлик узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги хисоботи асосида белгиланган тартибида хисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичida тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир неча обьектга эга бўлса, хар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади

Корхона томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон ракамли имзо билан тасдиқланаб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(ACOC: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзаро хисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги хисобварақ-фактуралардан фойдаланишини тақомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори)

3.8. Хисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармогининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан хисобга олиш прибори

ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш хажми Истеъмолчи билан биргаликда хисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш хажми тарифда тўловларни амалга пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр хажмининг тигиз, ярим тигиз ва тунги тўлов ҳакини ёзиш учун қўшиб борилади. (6-,7-иловаларни реактив кувватга эга ва технологик брошли истеъмолчилар тўлдиради)

3.9 Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидағи электр энергияси технологик сарфининг бир кисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр энергетика тизимининг электр тармоқларидағи технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада кайд этилган микдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳакиқатдан истеъмол килинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов хисоб варагини ёзди ва Истеъмолчининг шахсий хисоб ракамида бу ҳакида тегишили белги кўйилади.

Корхона хисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзib олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол килинган электр энергияси учун қайта хисоб-китобни белгиланган тартибида амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргалиқда истеъмол килинган электр энергиясининг амаллаги микдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш асбоблари (маиший истеъмолчилардан ташкари) кўрсаткичларини хар ойда ёзib олиши ва зарур бўлгандага электр энергиясини хисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида худудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган шакл бўйича ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки поча алокаси орқали тақдим этилган хисобот юридик шахслар хамда тадбиркорлик фаoliyatini амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги хажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

ЭҲНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг хисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бирок бир ойда камидаги марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзib олинади.

Худудий электр тармоқлари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий хисоб-ракам ва хисобга олиш асбобларининг холати ҳакида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идораларро электрон хамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фоиздан ортик микдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган микдордан ортик иsteъmol килинган энергияси жаъми хажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорида тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг энергия ҳакини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек хисобга олинмаган энергияни, (ноконуний фойдаланилган электр энергияси) қайта хисоб-китоби ва пеня бўйича карзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари қарзни коплашга йўналтирилади. Аванс тўлови (олдиндан ҳак тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлиқ иsteъmol килмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

Хисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб хисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун иsteъmolчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи микдорида, электр энергияси маҳсус тартибида етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз микдорида пеня хисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли карорига асоссан)

3.13. Иsteъmolчи ва Корхона ҳар ойда, хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

Агар “isteъmolchi” солишишторма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси қарзни ундириш учун шартномавий хажмдан келиб чиккан холда Иsteъmolчининг банкдаги хисоб ракамига тулов талабномаси куйиш ўюли билан, хамда бир томонлама расмийлаштирилган солишишторма далолатнома асосида “ХЭТК” томонидан мажбурий ундурувга каратишга шунингдек суд (судларга) ва давлат солик хизмати органларига тақдим этишга ҳакли.

3.14. Иsteъmolчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмагандан;

хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик

мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишили вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл кўйилмаганда;

хисобга олиш приборларини қасдан бузгандан, кўрсаткичларни ўзгаририш максадида уларнинг ишлашига ташкаридан аралашиш ҳатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ўғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноконуний уланиш, талон-тарож килиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузишнинг бошқа холатлари аниқланганда;

шартнома, электр таъминоти лойихаси ва техник шартлар мавжуд булмаганда; электр таъминоти лойихаси ва техник шартларга мос келмаганда.

3.15. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган кайта хисоб-китоб, Истеъмолчини қонун хужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганик учун жавобгарлиқдан озод этмайди.

Электр тармоқлари корхоналари томонидан истеъмолчининг ҳақиқатдаги қарздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилган ҳолда электр тармоқларидан ажратиласди.

3.16. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий хисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга кайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.19. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергияси учун тўлов тарифлари куйидаги ҳоларда ахоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан;

Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чикириш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сони Фармойишига асосан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий қўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон карорининг 3-бандини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси худудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг

I сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар (табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси, электр энергияси, телефон, оқова сув ва майший чиқиндиларни ташиши)га тўловларни ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчининг электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш; электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши ва сураётган күшимча миқдор учун 100% олдиндан тулов амалга оширилган булиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилимаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

Шартномани қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблагни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга карши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (mansabдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимирига риоя этиш; фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш; эксплуатация килаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини саклаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфисзлик техникаси қоидаларига риоя килинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш; эгаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш, изяраға расмийлаштириш ёки бошка сабабларга кура күчіб кеттән тақдирда, бу хакда электр таъминоти корхонасини ёзма равишда хабардор килиш;

ЭХНАТ (АСКУЭ) тизимини баркарор доимий ишлаб туришини таъминлаш; энергетика тизимининг «Электрохисоб» компьютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон ракамига (богланиш нұктасига) «СМС» оркали юборилган хабарнома, огохлантириши хатларига уз вактида муносабатларини билдириш ва зарур ҳолда дархол энерготаъминот корхонасига аниқлик кириши мөксадида маълум килиш;

энергетика тизимининг «Электрохисоб» компьютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон раками (богланиш нұктасига) шунингдек бошка бирон реквизитлари узгарган ҳолда ҳолда истеъмолчи дархол электр таъминоти корхонасига хабар берши;

Корхона ва «Ўзэнергоинспекция» конуний кўрсатмаларини ўз вактида бажариш;

Электр курилмаларининг тузилиши коидалари талабларини бажариш;

Корхона вакилининг хисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат берши; йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур микдори учун Корхонага буюртманома берши;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишида, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурӣ биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини хисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган кувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган кувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори, энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг ҳар 30 дакикадаги сарфни.

Истеъмолчи конун хужжатларига мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Уланган куввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар мазкур Коидаларнинг 127-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қўйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш — умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гурух бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик — уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгаририлиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гурухлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мөксадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз хажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни хисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя килиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилшини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. Корхона қўйидаги хукукларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

авария режимида, Истеъмолчини электр тармоғидан узиб кўйиш;

электр хужалиги обьектларида авариявий холатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш бўйича кечикириб булмайдиган чоралар куриш зарур булганда Истеъмолчини огохлантиримай ва у билан келишмай унга энергия етказиб беришни чеклаш;

Корхонанинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭХНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳак тўлаш курилмасига эга хисобга олиш прибори бўлган Истеъмолчини олоидан тўланган ҳак тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона конунчилликка мувофик бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун Корхона жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қўйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи оркали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлинини чегарасигача Шартномада кўрсатилган хажмда мунтазам етказиб берши;

ускуналар, электр узатиш линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф килиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлик электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор килиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вакти кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганинги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай кўриб чикиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия хисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатсан холда хабар килиш;

Истеъмолчидаги ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, пломбалашни таъминлаш; сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган холларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳакиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбай автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик ўчиришлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчини электр энергиясидан узилганда ёки ёнгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавқулотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

Электр энергия таъминоти корхонаси узи билан боғлик булмаган вазиятлар оқибатида мавжуд булган чеклашлар киритилганда, “электр курилмаларини тузилиши коидалари”нинг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 бандалрига асосан истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончлилиги тоифаси (категория)га тугри келмаган (лойиха талаблари бажарилмаганда) холда истеъмолчиларда киритилган даъво ва талаблари бўйича келиб чикадиган низолар бўйича истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар конунчиликда белгиланган тартибида ҳал қилинади

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2021 йил 31 ДЕКАБРгача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда кўлланилмайди ва кейинги ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги хар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг хар бирида сакланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор килган холда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб килиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан измолангандан бўлса, ҳакиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январда 22 сон карори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – хукукий хужожатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕМОЛЧИ:

Юридик манзили Термиз шахар Истиқлол күчаси 1 бурилиш 5-ий
Хисобрақами 13402 0003001 00001610 сонада пастады

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 200478483

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялашириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фондининг хисобрақами 00002186 0224017092 100056001

Банк коди (МФО) 0001 (ИНН) 200478483

Бюджетдан ташқари фондининг хисобрақами

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____

ҚҚС тўловчининг коди _____

Телефонлар; _____ Факс; _____ e-mail: _____

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди електрон манзил ёзилади)

Кадастр № _____ ; _____

Статистик кодлар:

ОКЭД 00234794

СООГУ _____

СОАТО 03903

КФС 92120

КОПФ 210

ОКПО 92120

КОРХОНА:

Почта манзили Термиз шахар Истиқлол күчаси 1 бурилиш 5-ий

Хисобрақами 22 636 000 800 427 199 398

Банк коди (МФО) 01 045 (ИНН) 200 475 661

ҚҚС тўловчининг коди _____

Телефонлар: +99876 223-64-33 Факс: +99876- 223-63-35

Статистик кодлар:

СООГУ _____

СОАТО _____

Истеъмолчи:

М.У. имзо, лавозими, Ф.И.О.

Корхона:

Термиз шахар ЭТК бошлиги
О.Э.Бердимуратов

М.У., имзо, лавозими, Ф.И.О.

ХУҚУҚШУНОС ХУЛОСАСИ:

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси “Сурхондарё” Худудий электр тармоклари корхонаси Акциядорлик жамияти Термиз шахар электр таъминоти корхонаси хукукшуноси Турдиев Асрор Кучкарович.

Ўз Республикалар Махкамасининг 2018-йил 12-январдаги 22-сонли карори талабларига мувофик тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талаблари монийлик килмайди. Шартнома иштирокчиларининг хукук ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги қонуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида қонуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низами хал килиш тартиби белгиланган.

Хукукшунос:
(имроzi)

Электр таъминотининг шартномасига
1 - илова

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гурухи Г
2. Фаолият тури отбелиш
3. "Истемолчи" электр курилмаларининг уланган куввати: _____ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган кувват _____ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) _____
6. Ҳисоб-китоб тури: нур узумчеш

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган (кераклиси ёзилсин)

2021 ЙИЛ УЧУН	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
Йил, жами					
Январ	10000-				
Феврал	10000-				
Март	10000-				
Апрел					
Май					
Июн					
Июл					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					

Ташкилот кунига ишлайди _____ соат, ойга _____ кун



Умумий юга нисбатдан сменалар бўйича юкланиш % I _____, II _____, III _____

Истемолчи

М.ў

*

19

(Имзо, Ф.И.Ш., сана)



Корхона

М.ў


(Имзо, Ф.И.Ш., сана)

Энергияни хисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

“Истеммолчи”нинг (суб“Истеммолчи”нин г) хисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган холда	Хисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Хисобга олиш прибори раками	Хисобга олиш прибори клемма копқоғидаги пломбанинг раками	Ўлчов трансформатор- ларининг трансформация коэффициенти	Хисоб-китоб коэффициенти	Хисобга олиш приборининг Шартнома тузилган кундаги кўрсаткичла- ри хисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сум/ 1 кВт.с.



Имзолар:



Электр таъминотининг шартномасига
З - илова

Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изоҳ: Хар-бир электр хисоблагич учун алоҳида З- ва 4-иловалар тузилади

Хисоблагич № _____ т/ток _____ кучланиши _____ коофициент _____ уланган қуввати _____ квт
Хисоблагич ўрнатилган манзил; _____ шахар, кфий, мфий, куча уй № _____

1. Тариф гурухи _____ Фаолият тури _____

Труба ишл.чиз.Шлакоблок,Гишт,Пленка ишл.чиз.Акфа ҷехи.Насос,Савдо,Кафе.,Ошхона,Устахона ва...???

1. “Истеъмолчи”нинг балансида қуйидаги электр курилмалар мавжуд:

а) хаво линиялари _____

б) кабель линиялари _____

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП № _____, _____ кВА

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича
mansublik чегараси _____

3. Улардан қуйидагиларга:

а) _____

хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,


б) _____

Истеъмолчи билан тузилган “Техник хизмат кўрсатиш” № _____ сана _____ й.
шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат
кўрсатилади.”Техник хизмат кўрсатиш шартномаси тузмаса _____
томонидан хизмат кўрсатилмайди”

4. Электр курилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик
чегараси қуйидагича белгиланди: _____



Вакиллар:



Электр таъминотининг шартномасига
4 - илова

Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича ДАЛОЛАТНОМА

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси хисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган кисми хисоблаш йўли билан аниқланади ва куйидагиларга хисобланади:

а) Куввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ %, реактив энергия йўқолишлари _____ кВАр.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истемолчининг кабель линияларидағи ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади;

в) Истемолчининг ҳаво линияларидағи ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади.


Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истемолчининг ҳар хисоб-китоб даври учун, хисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истемолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия микдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк хисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истемолчиларнинг электр энергиясини хисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари хисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истемолига каратилади



Истемолчи:
М.У.
(Имзо)

Имзолар:



Корхона:
М.У.
(Имзо)

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори
Шу жумладан тариф гурухлари бўйича

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аникланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олинниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аникланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истемол килинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аникланади.

Тарифга устама қўшилган қиймат солиги ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарifi бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истемол килинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аникланади;

10 % - реактив энергиядан иқтисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истемол килинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аникланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси хисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати томонидан кўллаб-қувватланмаслиги аникланганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан конун хужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истемолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганинг нисбатан Истемолчилардан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида “Ўзэнергоинспекция”нинг тасдиклови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истемолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил килганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истемол қилинганда, агар Истемолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Негира қўшилган қиймат солиги ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифининг 15% миқдорида белгиланади.

Истемолчи:

(Имзо)

Б. Намурадов

М. Ў.

Корхона:

(Имзо)

М. Ў.

Электр таъминотининг шартномасига
7 - илова

**Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчининг

иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узок муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

T/p №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнгин, заҳарланиши ва бошқа баҳтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг).

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт

II босқич _____ кВт

III босқич _____ кВт

IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қуийлади.

T/p №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситии тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёритгичлари юкланиши остида қолдирилади.

б) Енгина қарши захира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайти (уибу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:

Истеъмолчи:

М.У.

Ишчуратов

Корхона:

М.У.

(Имзо)



Электр таъминотининг шартномасига
8 - илова

**Энергия таъминоти ташкилоти тармокларига уланган истеъмолчиларниң электр
курилмаларининг урнатилган куввати тургисида
МАЪЛУМОТ**

A. Трансформаторлар

Трансформаторларниң тартиби арни урнатиш жойи	Трансформаторнинг паспорт маълумотлари						Шартнома тузиш вактида уртacha юклама (кВт ёки А)
	Тури	Куввати (кВА)	Кучла ниши (кВ)	Ток (А)	Киска туташув исрофлари (кВт.с)	Салт юриш (кВт.с)	

B. Бошка ток кабул килувчилар

Электр двигателлар		Электр пайвандлаш аппаратлари		Приборлар		Ишлаб чикариши ёритиш		Изоҳ
Сони (дона)	Куввати (кВт)	Сони (дона)	Куввати (кВт)	Сони (дона)	Куввати (кВт)	кВт	Шу жумладан энерготежамкор (кВт)	

B. Узга субабонент истеъмолчилар

Истеъмолчиларниң номланиши, манзилгохи	Урнатилга н куввати (кВт, кВА)	Электр хисоблагичнинг завод раками	Диспетчерлик номланиши	Тариф, сум/кВт.с учун	Изоҳ



Имзолар:

